

**МИЛЛИЙ БОШ КИЙИМЛАРДАГИ РАМЗЛАР СЕМАНТИКАСИ**

Булатов Саидахбор Собитович

Тошкент давлат педагогика университети профессори, Россия халқаро педагогика фанлари академиясининг академиги, педагогика фанлари доктори. (97) 344–19–52

**Аннотация**

Мақолада дўппи миллий бош кийимлардан бири эканлиги, унинг келиб чиқиш тарихи, рамзий маънолари, турлари, инсон ҳаётидаги ўрни, маънавий қийммати аجدодларимизнинг ўлмас қадриятларини сингдириши, безаши, инсонни кўркем кўрсатиб унинг қайси миллатга мансуб эканлигини кўрсатиб туриши ҳақида баён этилган.

**Таянч сўзлар:** бош кийим, ранг, гумбаз, қадрият, шакл, мазмун, сирт, мантик, каштачилик, квадрат, айлана, призма, конус, тасвирлаш, миллилик, руҳият, астрономик, санъат, ўзига ҳослик, анъана, интеграция.

**SEMANTICS OF SYMBOLS IN NATIONAL HEADWEAR**

Bulatov Saidakhbor Sobitovich

Professor of the Tashkent State Pedagogical University, Academician of the Russian International Academy of Pedagogical Sciences, Doctor of Pedagogical Sciences. (97) 344–19–52

**Abstract**

The article describes the fact that the skullcap is one of the national headdresses, its history, symbolic meanings, types, place in a person's life, spiritual value that has absorbed the immortal values of our ancestors, decorating a person, showing a person's nationality.

**Key words:** headdress, color, dome, meaning, form, content, surface, logic, embroidery, square, circle, prism, cone, representation, nationality, spirituality, astronomical, art, identity, tradition, integration.


**Kirish**

Амалий безак санъатида ҳам тасвирланган нақшлар шунчаки шакл бўлиб қолмасдан, балки муҳим этнографик манбалардан бири ҳам саналади. Ушбу нақшлар халқнинг диний тасаввурлари ва эътиқодлари билан бевосита боғлиқдир. **Asosiy qism.** Ўзбекистон давлати, бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг миллий тимсолларидан бири унинг анъанавий кийимлари ҳисобланади. Ҳозирда миллий қадриятларимиз тикланмоқда, янги биноларимиз миллий анъаналар асосида қурилиб, шаҳарларимиз

кўркига кўрк кўшмоқда. Миллий либосларимиз ҳам моддий ва маънавий ёдгорликларнинг бошқалари каби халқимизнинг ўзига хослигини акс эттиради ва этник белгиларини намоёни этади. Ўзбек халқ амалий санъатининг энг кўп тарқалган ва оммалашган турларидан бири – дўппи ўзбек миллий кийим – бошларининг бири сифатида халқимиз ҳаёти, анъаналарига сингиб кетган.

Дўппи – авра-астарли, кўпинча қавима, пилта урилган, тепа, кизак ва жиякдан таркиб топадиган гулдор ёки гулсиз, тўғарак ёки квадрат шаклдаги бош кийми.[1] Унинг баҳмал дўппи, гилам дўппи, қизил гул, ироқи, хожи дўппи, чакма тўр, пилтадўзи, чуст дўппи, зардўппи, тўлдирма деб номланган хилолари бор. Дўппини юздан ортиқ турлари мавжуд. Дўппининг пайдо бўлишига икки ярим мингдан ошди. [2]

Дўппи туркий сўз бўлиб, тепа маъносини билдиради. Уни Марказий Осиё, Эрон ва айрим ўрта Шарқ мамлакатларида, Афғонистон, Эрон, Туркия, Шинжонда, Волга бўйи татарлари ва бошқаларда кўриш мумкин. Ўзбекистонда Тошкент, Чуст, Бухоро, Самарқанд, Бойсун, Шаҳрисабз дўппилари машҳур бўлиб, улар алоҳида ўзига хосдир.



Ўзбек миллий дўппилар. Хар бир дўппи бамисоли китобдир.

Дўппидўзлик жуда қадимдан ривожланиб келаётган Амалий санъат тарихи бўлиб, уни қадимий ҳайкалларда, ёдгорликларда, қўлёзмаларда, деворий рангтасвирларда, Ўрта асрларда (XV-XVI) яратилган китоб миниатюраларида, ҳаттоки халқ оғзаки ижоди намуналарида кўриш мумкин. [3,4,5,6,7]

Дўппи – ўзбек миллий кийим бошларининг ажралмас қисмларидан бири сифатида сингиб кетган. Ўзбекистон билан чамбарчас боғланган рассом Александр Волковнинг шеърлари орасида мана бундай сатрлар бор.

Эгри – бугри кўчаларда арава борар

Ғирч-ғирч қилар, остида куйлар чахпалак-

Бухоронинг чанг тўзони ва ипаклари  
 Дўппи кийган болалар саватлар билан  
 Бақришар, эшакларнинг ханграшлари хўб  
 Эгалари хуштак чалар  
 Бухоронинг чанг тўзони ва ипаклари.

Дўппи нафақат А. Н. Волков учун, балки ўзбек рассомлар учун шунчаки экзотик буюм бўлиб қолмай кишилар тимсолларини тўлдириш учун колорит унсури эмас балки нимаси биландир Шарқ миллий рамзи ҳамдир. Бу Ўзбекистон билан тақдирини боғлаган Усто Мўмин, Н.Кашина, О.Тотевосян каби қатор рассомларнинг ишларида сезилиб туради.

Халқимизда “Қонли дўппи” номли бир ривоят бор.

...Фарғонани босиб олиш илинжидаги қирқ минг кишилик юнон – македон қўшини Усршона (ҳозирги Ўратепа) сари ёпирилади. Бу ерда улар қачонлардир Эроннинг ахмоний шоҳи Кир барпо этиб кетган Кибэската қалъасининг ҳимоячиларидан таъзирини еди. Мард зардуштийлар маккор юноннинг алдам- қадамларига учмадилар ҳамда унинг талончиларини қалъа ичкарасига бир қадам киритмадилар. Жанг жуда узок бўлди, ўлган ўлди, қолган қолди.

Ғанимни ҳолдан тойдириб,  
 Қирқ баҳодирни қамхада қолдириб.  
 Қалъа ҳимоячиларининг бери  
 Ошдилар Яксартдан нари.  
 Қирковлон астойдил жанг қилиб,  
 Рақиб ҳолини танг қилиб.

Сўнг ўзларини оловга отдилар

Ғанимлар ҳайратда қотдилар.

Оташпараст эди қирқ ботир,

Улар учун энг шарафли иш

Олов бўлиш, Қуёшга кўниш!

Эрон, Бақтрия, Суғд сингари юртларни бемашаққат қўлга киритган Мақдуния (Макадония) қароқчисини эрксевар фарғоналиклар жасорати эсанкиратиб қўйди. У қалъага кириб беркинди ва қўшиннинг қалъага сиғмаган қисми теваарада чодир тиклади. Баъзи маълумотларга кўра (Ариан ва Стробининг шоҳидлик беришича) ўша тун фарғоналиклар мингтача юнонни ер тишлатиб кетдилар. Тунги чиқишлар кейинги кечаларда ҳам давом этди. Ғазабланган шоҳ беш юз моҳир палаҳмончисини қароргоҳ атрофига қўйиб чикди ва уларга Тонга қадар фарғоналикларнинг хоҳ ўлиги бўлса-да, тутиб келмоқни буюрди. Шавқатсиз жанг билан тун кечди. Паҳлавончилар

фарғоналикларнинг на ўлиги-ю, на тиригини қўлга туширдилар. Тонг чоғида эса бир қонли дўппини роний лаганга солиб, шоҳга келтирдилар. Хукмрон ўратепалик фолбуну донишларни чорлади. “Бу нима?” – деган сўроққа “Фаррхона, фаррхона” – деб жавоб айтилди. Шоҳ бу ёт сўзда бир сеҳр туйди, чичи куйди, жанг майдонидан мурдаю ярадорларигача чиқариб кетадиган аҳил ва мард “бебош”ларнинг бу сирли либоси уни ваҳимага қўйди. Аррианнинг шохидлик беришича, кўп ўтмай бир ёй ўтимидаги масофадан туриб, фарғоналикларни кузатишга муяссар бўлади.

Уларнинг остидаги камон – тиглари, чарм иштонларию канопп кўйлаклари бир ён бўлса, бошларидаги хукмдорга таниш дўппилари бир ён бўлади, шоҳнинг бағри қон бўлади, руҳи сўлди. Алқисса, Фарғонани забт этишни хаёл қилган Искандар Макдуний (Зулкарнайн) Хўжанд деворларига бошини уриб, сафари эрта қариб, орзулари пучга айланиб, Шарқ сари йўллари бойланиб, келган жойига қараб равона бўлди.

Турли ҳудудларда дўппилар шакли ва безакларига кўра кўп қиёфали бўлиб, ўзида жинс ёши ва ижтимоий даражасини акс эттиради. Ҳудудий жиҳатлардан ташқари (Фарғона, Бухоро, Хоразм, Ургут, Чуст дўппилари машҳурдир) безалишига кўра болалар, аёллар, эркаклар, жумладан, кекса ёшдаги эркаклар дўппилари гуруҳи мавжуд. (2-расм.)

Дўппиларнинг эркаклар, аёллар (шу жумладан, ўғил болалар, қизчалар, эмизикли гўдаклар, қариялар) учун мўлжалланган турлари бор. Ёши ўтиб қолган аёллар дўппи ўрнига рўмол ўрашади. Болалар дўппилари кулоқча, қалпоқча, дўппи, каллапўш турларига бўлинади. Улар туморларга бойлиги, попукли, товланиши, ипакдан шарсимон попуқ тўқилганлиги билан фарқ қилади.



Эркакларнинг замонавий дўппилари.



Аёлларнинг замонавий дўппилари.

Дўппиларнинг эркаклар, аёллар (шу жумладан, ўғил болалар, қизчалар, эмизикли гўдаклар, қариялар) учун мўлжалланган турлари бор. Ёши ўтиб қолган аёллар дўппи ўрнига рўмол ўрашади. Болалар дўппилари кулоқча, қалпоқча, дўппи, каллапўш турларига бўлинади. Улар туморларга бойлиги, попукли, товланиши, ипакдан шарсимон попуқ тўқилганлиги билан фарқ қилади.

Хулоса қилиб айтганда дўппи амалда кишиларнинг бошини офтобдан, шамолдан, иссиқдан, совуқдан асраган, одамнинг жисмоний камчилигини яширинган, бош оғриғидан асраган, яъни шамоллашнинг олдини олган. Унинг маънавий қиммати эса аجدодларимизнинг ўлмас қадриятларини сингдириши, безаши, кишини кўркем кўрсатиб инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлигини кўрсатиб турганидир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Давлатова С. Анъанавий миллий хунармандчиликда рамзлар семантикаси // "Ўзбекистон ҳудудида кечган этномаданий муносабатлар ва унинг давлатчиликнинг ривожланишидаги ўрни" мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси. 2012. 25 май. Урганч.
2. Гуль Э. Диалог культур в искусстве Узбекистана. – Т. 2005. 12-бет.
3. Сухарева О.А. Орнамент декоративных вышивок Самарканда и его связь с народными представлениями и верованиями (вторая половина XIX – нач. XX в) // СЭ. 1983. № 6.
4. Ремпель Л.И. Цепь времен (Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии). Ташкент. 1987.

5. Лунеева В. Ўзбекистонда бош кийимлари беаги тарихидан // San”at. 2005. № 3-4.
6. Исмоилова Э. Дўппиларда битилган маъно. Санъат. 2000 №1.
7. Саипова М.С. Рамзшунослик. Дарслик. –Т.: “Фан ва технологиялар нашрёт-матбаа уйи”, 2021. 17-бет.
6. Булатов, С. С. (2010). Наккошлик. Т. «Иктисод-молия, 22-23.
7. Bulatov, S. S., & Gulyamov, K. M. (2014). Amaliy sanat. T.: IQTISOD-MOLIYA.
8. Саидахбор, С. Б., Мансуров, У., & Муратов, Х. (2016). Философские основы динамики в художественном произведении. Молодой ученый, (4), 724-727.
5. Булатов, С. (1991). Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент: “Мехнат, 66-68.
6. Absamatovich, R. M., & Kizi, A. M. B. (2021). Methodological Basis Of Creation, Organization And Decoration Of Platter's Artistic Composition In Applied Art. The American Journal of Applied Sciences, 3(04), 298-310.
7. Nishonbekovich, N. U. (2023). PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL TRAINING OF A FINE ARTS TEACHER. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 4(03), 53-57.
8. Mukhammadjonovich, K. M. (2022). FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF TEACHERS OF FUTURE TECHNOLOGICAL EDUCATION. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 3(10), 34-41.
9. Muxammadjonovich, Q. M. (2023). THE IMPORTANCE OF CONTINUING EDUCATION IN TRAINING HIGHLY QUALIFIED TECHNOLOGICAL EDUCATION TEACHERS. Frontline Social Sciences and History Journal, 3(05), 76-86.
10. Булатов, С. С. (2014). Ўқитувчилар малакасини оширишда юксак профессионал маҳоратга эга бўлган педагог кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш. Современное образование (Узбекистан), (3), 12-15.
11. Булатов, С. С., & Аширова, М. О. (1992). Амалий санъат қисқача луғати. Қомуслар Бош таҳририяти.
12. Булатов, С. С., & Гулямов, К. М. (2017). ФОРМИРОВАНИЕ ЧУВСТВА ПАТРИОТИЗМА ПОСРЕДСТВОМ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ. Устойчивое развитие науки и образования, (10), 184-189.
13. Булатов, С. С., & Толипов, Н. Х. (2008). Гўзаллик фалсафаси. Монография) Т.: Фан ва технология.
14. Булатов, С. С. (2023). ШЕРДОР МАДРАСАСИНИ БЕЗАШДА ҚУРЪОНИ КАРИМДАГИ «НАҲЛ» СУРАСИНИНГ ОЯТЛАРИНИ КОНЦЕПТУАЛ АСОС ҚИЛИБ ОЛИНИШИНИНГ БУЮК ХИКМАТИ ВА ИБРАТИ. Science and innovation, 2(Special Issue 5), 16-18.

15. Булатов, С. С. (2022, December). ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ РАНГТАСВИРДА, ОНА ОБРАЗИДАГИ ҒОЯЛАРНИ ИННАВАЦИОН БАДИИЙ ЕЧИМИ. In E Conference Zone (pp. 9-19).
16. Жаббаров, Р. Р. (2022). РАНГТАСВИР АСАРЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ҚАЛАМТАСВИР НАЗАРИЯСИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ. ZAMONAVIY TA'LIM: MUAMMO VA YECHIMLARI, 1, 163-167.
17. Талипов, Н., & Талипов, Н. (2021). Тасвирий санъатда тарихий жанр муаммоси: рассом Малик Набиев ижодий мактабига бир назар. Общество и инновации, 2(4/S), 607-613.
18. Талипов, Н. Х. (2020). КАК СОЗДАЕТСЯ КОМПОЗИЦИЯ НАТЮРМОРТА. In АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИСКУССТВА: ИСТОРИЯ, ТЕОРИЯ, МЕТОДИКА (pp. 124-127).
19. Fayzullayevich, S. A. (2023, April). O'ZBEKISTONDA DO'PPIDO'ZLIK MAKTABLARINING O'ZIGA XOSLIGI VA ULARNING AMALYOTDAGI O'RNI. In E Conference Zone (pp. 23-28).
20. Nazirbekova, S., Talipov, N., & Jabbarov, R. (2019). Described the Educational, Scientific, and Educational Institutions of the Miniature. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(2), 364-367. doi:http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v15.2.1192
21. Талипов, Н. Н. (2022). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ СИНФДАН ТАШҚАРИ ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИДА НАТЮРМОРТ КОМПОЗИЦИЯСИНИ ИШЛАШНИНГ КРЕАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. Conferencea, 62-68.
22. R.R. Jabbarov. Patterns in applied art of the uzbek folk // European Journal of Arts, 2023, №1. – С.11–14. DOI: <https://doi.org/10.29013/EJA-23-1-11-14>
23. Jabbarov, R. (2019). Formation of Fine Art Skills by Teaching Students the Basics of Composition in Miniature Lessons. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 17(1), 285-288. doi:http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v17.1.1424